

АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Самарқандликлар улуг аждодларимиз руҳини шод айлаш, миллий қадриятларимизни тақлаш борасида хайрли ишларни қилмоқдалар. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу заминда яшаган буюк зотлар ҳақида маълумот тўплаб, хотираларини абадийлаштириш, қабрларини обод қилишга киришилди. Шулардан бири калом илмида маълум ва машҳур Абу Мансур Водрўзий Самарқандидир. Яқинда Самарқанд туманининг улуг аллома номи билан аталадиган қишлоғида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Қисқа фурсатда Самарқанд-Бухоро катта йўлининг мажмур қишлоқ ичидан ўтайдиган қисми таъмирланди, дейди туман ҳокими Раҳима Ҳакимова. — Кўча кенгайтирилиб, йўллар қурилди. Ариқлар бўйига дарахлар экилди. Янги автобус бекатлари, савдо-сотиқ ва маънавий хизмат кўрсаткичи очилди.



Сеҳран бармоқлар мўжизасидан оро топаётган бу чинни буюмлар республикамиздан ташқарида, ҳатто чет элларда ҳам машҳур. Негаки, яратувчилик меҳна-

ти билан Қувасой чинни заводи доврўғини дунёга танитаётган кўли гул ишчилар бу ерда кўнчилигини ташкил этади. Ўғиллой Ҳикматова — ана шуларнинг бири. У ўн

етти йилдири, жамоада ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб келмоқда.

— Корхонамизда тури йигирмадан зиёд чинни буюмлар ишлаб чиқарилади, —

дейди Ўғиллой фахр-ифтихор билан. — Уларга озми-кўпми меннинг ҳам меҳнатим синаётганлигидан хурсандман.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «**ҲОЖАТБАРОР**» ТАРГИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУАВОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Жутлов

Оиламиз бекаси Мавлуда Аҳадова! Қутлуг айём — туғилган кунингиз муносабати билан умр йўлдошингиз Темура Юсупов, фарзандларингиз Жамшидбек, Моҳидил, Лазиза, Камолжонларнинг Сизга йўллаётган ушбу дил табригини қабул этинг. Хонадонимиздаги қут-барак, оросталик Сизнинг саранжом - саришталигингиз, ҳар бир юмушини сидқидилдан адо этишингиз туфайли эканлигини биз ҳамиша ҳис этиб тураман. Ингирма йилдан ортиқ вақтдан бери Қаршидаги Нодирабегим номли ўрта мактабда ёшарга сабоқ бериб, кўпчилиكنинг ҳурмат-эътиборини қозонаётганлигингиз бизни доимо фахрлантиради.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, доимо яхши кайфият йўлдош бўлишни тилаймиз. Сиз ишдан қайтиб, уйга келганингизда хонадонимиз кўёш чиққандек чарақлаб кетамиз.

Ховлимиз ҳамиша шундай нурга тўлиб турганини дастурхонимиз теварағида тўқис-туғал бўлишимизни ният қиламиз.

Авдижон зооветеринария техникуми жамоаси.



Авлод камоли—Ватан жамоли

МЕҲРИБОН ТАРБИЯЧИ

Мухтарама «Чорбакир» жамоа ҳўжалигидаги 4-сон болалар боғча-яслисида тарбиячилик қилаётганга ҳам ўн уч йил тўлапти. Виз меҳрибон тарбиячини боғча-ясли мудираси хонасида учратдик. У ҳақда мудира Майрам Саидова шундай деди:

Танишинг, бу аёл энг яхши тарбиячимиз Мухтарама хонум бўлади. — Тарбия муассасамизда ҳоҳирда 6 гуруҳ бўлиб, уларда 150 нафар жажки ўғил-қизчалар тарбияланимоқдалар. Кўрса-

таётган беминнат хизматимиздан ҳўжаликдаги ота-оналар голтда мамнун.

Барча гуруҳларда жажки фарзандларни баркамол қилиб тарбиялашга эътибор катта. Боғча-яслининг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Мухтарама Болтаева ва сафдошлари Солиҳа Рафорова, Гулнора. Раҳматоваларнинг иши ибрат бўларлидир.

Ўз касбининг чинакам жонкуари бўлган тарбиячиларнинг ҳар бири ҳақида, кундалик юмуши, ташвиш-

НИСОНА САТРАРДА

ЯХШИВОЙ АКА ЧОЙХОНАСИ

Жиззах шаҳридаги Қалия маҳалласида чойхона йўлиги сабабли одамлар бўш пайтларда мириқиб ҳордиқ чиқаришга ташна эди. Бу ҳақда кўп гапириларди-ю, маблағ еттишмаслиги қўлини боғларди.

Шу ерда яшовчи Яхшибой ака Юсупов маҳалладошлари ордусини рўёбга чиқарди, шахсий жамғармаси ҳисобидан чойхона қурди. Вино олди гулзор қилиниб, чорполар қўйилди.

Яхшибой ака чойхонаси шу кунларда одамлар билан гавжум.

ВОКЗАЛГА КИРИШ—ПУДЛИК

Самарқандда мухташамликда Ўрта Осиёда ягона вокзал биноси қад ростлади, у шарқона меъморчилик анъаналари асосида тикланди. Бу ерда йўловчига худди хориздаги энг яхши вокзалларгадек барча қўлайлик яратилган. Шунинг борки, вокзалга кириш — пудлик. Бу тадбир бинолик, ундаги қимматбаҳо жиҳозларни асраб-авайлаш, уларга гурд юктирмаслик, қолаверса, кириб-чиқини тартибга солиш мақсадида амалга оширилди.

«ХОТИРА КИТОБИ» НАШРГА ТАЙЁР


Авдижон вилоятда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар 30 миң киши экан. Уларнинг рўйхати салкам 3 миң саҳифага етди. Бу вилоятда «Хотира китоби»ни яратишга киришган ишчи гуруҳининг тўрт йиллик машаққатли меҳнати натижаси бўлди. Эндиги вазифа — китобни нашр этиш. Ҳозирги қороз танқислиги шароитида бунинг учун катта маблағ керак. Шу мақсадда махсус жамғарма очилди.

— Жамғармага вилоятдаги меҳнат жамоалари ва соҳаватпеша фуқаролардан маблағ тўла бошлади. — деди ишчи гуруҳи бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммадjon Раҳимов. — Маблағ асосан «Хотира китоби»ни нашр этиш ва бошқа хайрия ишларига сарфланади.

МАҲАЛЛАНГ—ОТА-ОНАНГ

Хоразм «Маҳалла» жамғармаси биринчи кундан вилоят ҳокимлигига суяниб иш бошлади. Ҳозир жамоамизни кўплар қўллаб-қувватлаб турибди. Масалан, вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов жамғармага 2 миллион сўм, ёғ комбинати, ем тайёрлаш заводи 100 миң сўмдан, «Туямўйинсуқурилиш» ва Янгиариқ районидидаги Аваз Утар номли жамоа ҳўжалиги 50 миң сўмдан, вилоят тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 40 миң сўм ўтказди. Шулар аъзаига жамғарма ихтиёрида 3 миллион 429-миң сўм тўланди.

Вилоятдаги 680 маҳаллада 12 миңдан ортиқ кам таъминланган оилалар, 4.300 нафардан ортиқ етим-есирлар, 2100 ёлчи қариялар истиқомат қилинапти. Бугунги бозор қийинчиликларини ўз бошларидан кечирётган оилаларга ердан кўрсатиш бианин бурчимиздир. Касал болаларга, ёғиндан, табиий офатдан зарар кўрганларга Наврўз кунлари катта мадад кўрсатилди.



Жажжилар. Р. АКБАРАЛИЕВ олган сурат-лавҳа.

100 дан ортиқ маҳалла кўмиталари раҳбарлари билан суҳбатладим. Шу нарса аён бўлдики, маҳалла кўмиталари ҳокимликнинг жойлардаги таянч нуқтасига айланиши аниқ. «Маҳалла» жамғармаси олдида улкан вазифалар қўйилган. Ёшларни анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш маҳалланин энг асосий вазифасидир.

«Хоразмтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Р. Машаринов ташаббуси билан ҳар бир нафақадорга 2,5 миң сўм ажратилди. Вилоят худудидаги транспортларда бепул юриш учун участка шифокорларига, қаҳрамон оналарга, журналистларга гувоҳнома топширилди. Бу борадаги ишлар учун жами 11,5 миллион сўм сарфланди. Хоразмда бундай корхоналар оз эмас. Вилоят ҳокими ғамхўрлиги билан кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, кўп болалилар ва ёлғизларни муҳофаза қилиш йўлга қўйилган.

Эгамберган ИСКАНДАРОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлимининг раиси.

ФИРИБГАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Қирғули туман прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ходимлари устаси Фаранг фирибгарни қўлга олди. У 1970 йилда туғилган Хотамжон Нуриддинов бўлиб, Фарғона давлат университетининг юридик факультетини сиртдан таҳсил олар экан. Айни вақтда «Фарғонаазот» бирлашмасида иқтисодчи бўлиб ишлаб, соддадил кимсаларни лақиллатиб келатган экан. Масалан, Анвар Йўлдошевга телевизор ваъда қилиб, салкам 20 миң сўм пул олган. Анром Йўлдошевнинг автомашина олиб бераман деб 131 миң сўмга, Усмон Абдутолпиновни аса шакар тоиб

бериш баҳонасида 7 миң сўмга туширган. Алишер Худойбердиевнинг аса «опанин» «Москвич»ни олиб бераман» деб 203 миң сўмини суи қилиб юборган. Рустам Маманазаровни автомашина олди-сотдига аралаштириб, 120 миң сўмини ҳамёнга урган. Бирок пуллар фирибгарга буюрмади. Суд уни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

Р. КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.

Қадрли Рустамжон Хусанбоев!

Сизни барча ҳамкасбларингиз, ёр-биродарларингиз, қадрдонларингиз номидан қутлуг 50 ёшингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ёшларга илм ва тарбия бериш, уларни фан сирлари билан ошно этиш борасида кўп йиллардан бери сидқидил хизмат қилаётганлигингиз, жамоамизга раҳбарлик қилишда билим ва тажрибага таянаётганлигингиз кўпчиликл томонидан эътироф этилган.

Сизга келгусидаги ишларингизда муваффақият, сиҳат-саломатлик тилаб, эзгу орзуларингиз ҳамирасида кўп йиллардан бери сидқидил хизмат қилаётганлигингиз, жамоамизга раҳбарлик қилишда билим ва тажрибага таянаётганлигингиз кўпчиликл томонидан эътироф этилган.

Сизга келгусидаги ишларингизда муваффақият, сиҳат-саломатлик тилаб, эзгу орзуларингиз ҳамирасида кўп йиллардан бери сидқидил хизмат қилаётганлигингиз, жамоамизга раҳбарлик қилишда билим ва тажрибага таянаётганлигингиз кўпчиликл томонидан эътироф этилган.

Авдижон зооветеринария техникуми жамоаси.

КОРХОНА

Тошкент шаҳридаги оямбордан автосервис учун қўйидаги махсус ускуналарни сотилади:

- мувоазанлаш дастгоҳи;
- электр узлақишлар;
- автосервис учун махсус асбоб;
- ғидиркаларнинг жойлашувини ростловчи;
- кўтаришчиси спленг;
- ишларни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси ва автосервис учун бошқа махсус ускуналар.

Асосий таъмирлашдан чиққан қўйидаги ЗИЛ автомобиллари сотилади:

ЗИЛ-131 - 2 дона, ЗИЛ-130 - 1 дона

Ҳақ тўлаш усули - турлича. Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан Тошкентдан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Мулоқот телефонлари: 34-25-81, 34-66-44, Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 118-уй, 607-хона

Қўйидаги ускуналар, жиҳозлар, буюмлар сотилади

- ИГ29 типдаги револьвер-токарлик дастгоҳи;
- Совуттик машина;
- ЛТ-50 ледогенератори;
- АВЗ-63Д вакуумли насос;
- 1490А, 540А типдаги пайвандлаш аппаратлари;
- АДД-2 типдаги дизелли пайвандлаш агрегати;
- Пластмассадан буюмлар тайёрлашда қўлланиладиган У-100 см³ типдаги тик пресслаш ускунаси;
- АИР № 120 вт, № 180 вт. электродив-гательлари;
- Дереза ойналари;
- Д219, Д220, Д223 импелльси диодлар;
- МКЭ-3 электр микрофонлари;
- ТМ-6А типдаги кичик ҳажмли телефонлар;
- 160 вт типдаги турли қороз конденсаторлар;
- Диаметри 400 миллиметрни чарлар;
- Турли тусда ишлов берилган эниклис терилар;
- Чарқлаш-несиш дастгоҳлари;
- Ёгонча ишлов бериш дастгоҳлари;
- Пармалаш дастгоҳлари;
- Ёгонча ишлов беришда қўлланиладиган токарлик дастгоҳи;
- Безак бериш материал (анодированний алюмин);
- Диаметри 3 мм бўлган одатдаги сым;
- Диаметри 4 мм бўлган пружинали сым;
- 8 мм. лн металл лист.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 34-74-59.

ПУЛИНГИЗНИ ЖАМҒАРМА БАНКИДА САҚЛАНГИЗ ҚАДРСИЗЛАНИШИННИНГ ОЛДИНИ ОЛАСИЗ

Жамғарма Банки

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларида сақланаётган омонатларнинг фойз ставкалари 1993 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги миқдорларни ташкил этмоқда:

- Йўқлаб олинмаган омонатлар бўйича—10 фойз;
- Сақлашни мудлати белгиланган омонатлар бўйича;
 - Бир йилдан уч йилгача— 20 фойз;
 - Уч йилдан беш йилгача— 30 фойз;
 - Беш йилдан кўп бўлганда—45 фойз;
- Ешлар-мукофот омонатлари бўйича — 20 фойз;
- Мақсадли болалар омонатлари бўйича — 45 фойз;
- Тўпланадиган омонатлар бўйича —45 фойз;
- Ютуқли омонатлар бўйича — 6 фойз.

ЖАМҒАРМА БАНКИ ЭНГ ИШОНЧЛИ БАНК БУЛИБ, ОМОНАТЧИЛАР ОЛДИДАГИ БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТ БЕРИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўз-плодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Дехқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Иجتимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Аҳборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органилар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—223. 31890 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қороз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 23.30.